

PhD Машхура ШАРАПОВА
Тошкент молия институти

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ХУСУСИЙ МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада умумтаълим мактабларини молиялаштириш манбалари, таълим муассасаларини молиялаштиришда давлат маблағлари билан бир қаторда хусусий маблағлардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган ва таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: таълимни молиялаштириш, молиялаштириш манбалари, мактаблар сифими, ўқувчилар сони, нодавлат таълим муассасалари, давлат-хусусий шериклик, хусусий инвесторлар.

THE IMPORTANCE OF USING PRIVATE FUNDS TO FINANCE EDUCATIONAL SCHOOLS

Abstract. This article highlights and analyzes the sources of financing of secondary schools, the importance of using private funds along with public funds in financing educational institutions.

Keywords: financing of education, sources of financing, school capacity, number of students, non-governmental educational institutions, public-private partnership, private investors.

Кириш

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасидаги ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини амалга жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрнини яратиш, янги мактаблар куриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, ўқув ўринлари сонини 2026 йил якунига кадар 6,4 миллионгача етказиш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотларга шароит ва имкониятларни кенгайтириш орқали уларнинг улушини 2026 йилда 8 фоизга, шу жумладан 2022 йилда 3 фоизга ошириш”[4] мақсадлари белгиланган. Мазкур мақсадларни амалга ошириш натижасида умумтаълим мактабларини молиялаштиришга йўналтирилаётган молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, таълим олувчилар сони ва мактаб сифими мувофиқлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳага хусусий инвесторларни кенг жалб қилиш орқали таълим сифатини ошириш каби ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли фаровонлигини оширишда таълим тизими катта аҳамият касб этиб, таълим тизимининг фаолияти таълимга бўлган эътиборга, ушбу соҳани молиявий таъминотига бевосита боғлиқдир [12].

С.Беляковнинг фикрича “Таълимни молиялаштириш таълим хизматларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ муносабат бўлиб, ушбу хизмат таълим олувчига унинг ўзи ёки оиласи томонидан эмас, балки ушбу хизматдан фойдаланмайдиган давлат томонидан кўрсатилади. Ушбу ҳолатда хизматни сотиб олувчи молиялаштирувчи, олувчи эса талим олувчи ҳисобланади. Бундай ҳолда, хизматни сотиб олувчи молиялаштирувчи, қабул қилувчи эса таълим олувчи ҳисобланади”[9]. Агарда таълим олувчи нодавлат умумтаълим муассасасида таълим олаётган бўлса, хизматни сотиб олувчи ва молиялаштирувчи бўлиб таълим олувчининг ота-онаси ҳисобланади.

С.Вишняковнинг фикрича, “Таълимни молиялаштириш таълим муассасаларини давлат, шаҳар ёки бошқа бюджет маблағлари билан таъминлашдан иборат бўлиб, бунда фуқароларнинг давлат стандартлари доирасида таълим олишлари учун давлат кафолатларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу давлатнинг (шу жумладан идоравий) ва ўқув юртининг ҳар бир тури, тури ва тоифаси учун ҳар бир талабага, ўқувчига тўғри келадиган маҳаллий молиялаштириш стандартлари асосида амалга оширилади. Таълим муассасаси ўзини ўзи таъминлаш асосида ишлай олади”[10].

Д.Рахмоновнинг фикрича “Таълим тизимини молиялаштириш йўналишларини кенгайтириш лозимлиги таълим билан аҳолини қамраб олишнинг долзарблиги орқали ифода этилади. Ўзбекистонда таълимнинг қамраб олиш даражаси бирмунча кичик рақамларда бўлиб қолаётганлиги унинг молиявий дастаклари билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, таълим тизимини молиялаштириш манбаларини ва уларнинг бошқарувини либераллаштириш зарурияти туғилади[8].

Таълим муассасаларини барқарор ва оқилона молиялаштириш муаммоси бугунги кунда таълим тизими фаолиятининг энг жиддий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакат қонунчилигида белгиланганидек, фуқароларнинг давлат таълим стандартлари доирасида тўлиқ умумий ва касбий таълим олишлари учун давлат кафолатларининг асоси сифатида таълим олиш харажатлари асосан давлат томонидан молиялаштирилади.

Умумтаълим мактаблари таълими тизимининг энг муҳим қисми бўлиб, асосан давлат томонидан молиялаштирилади. Мамлакатимиз Конституциясида “Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди” деб қайд этилган[1].

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 47-моддасида таълим олувчилар бепул асосда умумий ўрта, ўрта махсус таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш ҳуқуқига эга[2] эканликлари таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари сифатида келтириб ўтилган. Ушбу ҳуқуқдан ҳар бир таълим олувчи ихтиёрий равишда фойдаланиши мумкин, яъни моддий шароитидан келиб чиқиб, давлат томонидан тақдим этиладиган бепул таълим хизматидан ёки хусусий таълим муассасаларининг пуллик хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Таълим тизимини молиялаштириш тартибига ва манбаларига бир нечта омиллар таъсир қилади:

- давлат бошқаруви ва тузилишининг ўзига хослиги;
- давлатларнинг ривожланиш йўллари;
- таълим тизимини молиялаштиришда турли даражадаги ҳокимиятлар зиммасига ваколатларни юклатиши;
- таълим муассасаларини давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланиши даражалари.

Шу ўринда таълим тизимини молиялаштиришнинг бир нечта манбаларини келтириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Таълим тизимини молиялаштириш манбалари

С.А. Беяков[9]	Б.Нурмухамедова, З.Срожиддинова, Б.Сугирбаев[11]	Муаллиф ёндашуви
• давлат бюджети • пуллик таълим хизматларидан олинadиган даромадлар • ўқув юрларининг илмий-техник фаолияти ва унинг натижаларини тижоратли амалга ошириш • таълим ва илмий-техник фаолият билан боғлиқ бўлмаган ўқув юрларининг тадбиркорлик фаолияти • таълим ва илмий-техник фаолият билан боғлиқ бўлмаган таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти	Молиялаштиришнинг давлат манбалари: ➤ Давлат (республика ва маҳаллий) бюджети; ➤ Давлат мақсадли фондлари. Молиялаштиришнинг нодавлат манбалари: ➤ Тўлов-шартнома асосида ўқишдан тушадиган маблағлар; ➤ Таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар; ➤ Хорижий кредити ва грантлар; ➤ Ота-оналарнинг бадаллари; ➤ Жамоатчилик ёрдами; ➤ Бошқа хусусий манбалар (тадбиркорлик, хайрия ташкилотлари ва манфаатдор шахсларнинг ҳомийлик маблағлари).	<i>Давлат маблағлари:</i> Давлат бюджети, мақсадли жамғармалар, ХМТ сармоялари, молиявий ёрдамлари, кредитлари <i>Иш берувчи (корхона ва ташкилотлар)нинг маблағлари:</i> тадбиркорлик фаолиятидан, ҳомийлик ва хайрия маблағлари. <i>Аҳоли маблағлари:</i> иш ҳақидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, ижтимоий трансфертлар.

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.

Ривожланган давлатларида таълим тизими устидан кучли давлат назорати ўрнатилган бўлиб, молиявий мустақиллик ривожланган бўлишига қарамасдан, уларда таълим муассасалари фаолияти асосан давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шу билан бирга ушбу мамлакатлар давлат ва хусусий молиялаштириш манбаларидан оқилона фойдаланишда ўз тажрибасига эга.

Масалан, Францияда таълим тизими марказлашган бўлиб, миллий вазирликка бўйсунди ва фаолият юритаётган таълим муассасаларининг 15-20 фоизи хусусий таълим муассасаларидир. Таълим тизимини молиялаштириш манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, хусусий шахсларнинг бадаллари ҳисобланади[15].

Германияда мактабгача таълим муассасалари давлат тизимига кирмайди, аммо мактаб таълими асосан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Ўқув дастурлари анъанавий мактаблардан фарқ қилувчи хусусий мактабларни Федерал таълим ва маданият вазирлиги назорат қилади. Нодавлат таълим масканлари бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун хусусий мактаблар уюшмасига бирлашган[19].

АҚШ таълим тизимининг ўзига хослиги унинг номарказлаштирилганлигидир. Ушбу мамлакат Конституциясига биноан таълим тизими штатлар томонидан тартибга солинади. АҚШда ўрта мактаб тизимини молиялаштиришда маҳаллий бошқарув органларининг ҳиссаси катта бўлиб, таълим харажатларнинг 10 фоизи федерал бюджетдан, 47 фоизни штатлар бюджетидан ва 44 фоизи маҳаллий бюджетлардан қопланади[14].


Бир қатор ривожланаётган мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиёти шаротида таълим тизимини нодавлат манбалар ҳисобидан тўлиқ таъминлашнинг имконияти паст даражада бўлиб, бунинг натижасида давлат умумтаълим муассасаларини етишмаслиги, ўқувчилар сонини кўплиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд, жумладан:

➤ мактабда таълим олувчилар сони мактаб сиғимидан 50 фоизга ортиқ. Бунинг натижасида ўқув жараёни икки ёки уч сменада ташкил этилмоқда, ўқувчилар синфларда 35-45 тадан ўқишга мажбур бўлишмоқда ва бу албатта таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатади;

➤ аксарият мактаблар фаолиятини тегишли даражада йўлга қўйиш учун оддий маиший шароитлар мавжуд эмас.

2011-2030 йилларда ўқувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, яъни 2018 йилда 5822 мингта ўқувчини ташкил этган бўлса, 2020 йилда 6377 мингтани, 2025 йилда 7378 мингтани ва 2030 йилда 7825 мингтани ташкил этиши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 122,7 фоизни

ташқил этиб, ¹ бу ҳолат ўз-ўзидан мактаблар қувватини ошириш зарурлигидан далолат беради.



1-расм. Таълим муассасалар қуввати²

Умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларининг сонини ортиб бориши халқ таълим тизимида харажатларни режалаштиришда аниқлик ва натижадорликни талаб қилмоқдаки, харажатларни молиялаштиришда умумтаълим мактабларини молиялаштиришда уларда таълим олаётган ўқувчиларни сонига қараб жон бошига ваучер молиялаштириш усулини қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни зарурлигини кўрсатмоқда[13].

Мамлакат раҳбари томонидан 2018 йил якуни бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим муассасаларини ташқил этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилди[7] ва натижада бошқа соҳалар билан бир қаторда таълим тизимида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир”[3].

ДХШ давлат сектори ва хусусий сектор ўртасида тузиладиган шарномага асосланиб, бунда хусусий сектор ўз капитали ва бошқарув потенциалидан фойдаланди. Давлат сектори аҳолига бюджет маблағлари ҳисобидан хизмат кўрсатишга жавобгар бўлган ҳолда, иқтисодиётни

¹ www.edu.uz маълумотлари

² Муаллиф ҳисоб-китоби

ривожалантиришга ва аҳоли фаровонлигии оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

2019-2020 йилларда 5354 та ўқувчини қамраб олган ва 907 та янги иш ўрнини яратилишига олиб келган 20 та давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат умумтаълим муассасалари ташкил этилди. Бу ишларни амалга оширишга 71,7 млрд. сўм хусусий инвестиция йўналтирилди[17].

1-жадвал

2019-2020 йилларда ДХШ асосида ташкил этилиши режалаштирилган нодавлат умумтаълим муассасаларини ташкил этиш ва молиялаштириш ҳолати[17]

ДХШ асосида нодавлат таълим муассасаси ташкил этиш жойи	Шартнома бўйича давлат иштироки	Давлат бюджетдан ажратилган сумма, млн	Инвестор томонидан амалга ошириладиган харажатлар, млн сўмда			Ўқувчиларни қамраб олиши, сонда		1 ойлик тўлов млн сўмда
			Жами харажатлар	шундан		жами	шу жумладан имтиёзли асосла	
				Капитал қўйилма ва бошқа харажатлар	Эксплуатация харажатлари			
Олтиариқ тумани	бўш турган бино ва ер майдони	0	2400	2110	290	200	40	1,62
Олтиариқ тумани	1450 кв.м. бўш ер майдони	0	4256	3713	543	315	63	0,871
Фарғона тумани	бўш турган бино-иншооти ва ер майдони	26,5	1028	989	39	192	38	0,871
Фарғона тумани	5 900 кв.м. ер майдони	0	9368	8354	1014	390	78	1,25
Денов тумани	бўш турган бино ва 10 484 кв.м. ер майдони	0	2966	2923	43	320	64	1
Чуст тумани	5 200 кв.м. ер майдони	0	4630	4231	399	200	40	0,871
Иштихон тумани	бўш турган бино ва 14 949 кв.м. ер майдони	0	2355	1891	464	120	24	1,5
Жами	бўш турган бино-иншоот ва ер майдони	26,5	27003	24211	2792	1737	347	1,195

2019-йилдан 2022 йилнинг сентябрь ойигача давлат-хусусий шериклик (ДХШ) доирасида умумий қиймати 12 миллиард доллардан ортиқ бўлган 423 та лойиҳа ишлаб чиқилган ва улардан 71 таси таълим соҳасига тўғри келган. Шунингдек, умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган яна 154 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, таълим соҳасида келгуси тўрт йилда 2899 та мактабларни қуриш ва реконструкция қилиниши натижасида 1 миллион 200 минг нафар ўқувчининг таълим-тарбия олиши таъминланади.

Давлат томонидан 2026-йил охиригача 2050 та мактабни янгиларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун бюджетдан 16,8 триллион сўм ажратилди ва шу туфайли қўшимча 700 000 талаба ўрни пайдо бўлади. 396 ўқувчига мўлжалланган 589 та янги мактаб қурилишига хусусий корхоналар томонидан сармоя киритилиши кутилмоқда[18].

“Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида давлат умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди[6]. Унга кўра, 2023-2024 йилларда ОТБ томонидан Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида битта, Тошкент вилояти Зангиота туманида 5 та, Ўрта Чирчиқ туманида 2 та, Қибрай туманида 3 та, Тошкент туманида эса 2 – жами 13 та мактаб қурилиши белгиланди.

Ушбу мақсадда банк томонидан лойиҳа иштирокчиларига техник хизмат кўрсатиш ва тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун қайтариб бериш шarti билан 1,1 млн доллар ажратилади. Шунинг 150 минг доллари давлат бюджети ҳисобидан, 950 минг доллари эса хусусий шериклар томонидан банкка қайтарилади. Янги умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш бўйича давлат шериги этиб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги белгиланди.

Янги мактаблар қурилиши учун Тошкент вилоятидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган жами 67,55 гектар ер ажратилган. Шунинг 66,98 гектари суғориладиган ер участкалари ҳисобланади. Ҳужжатга кўра, мазкур суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан аҳоли пунктларининг ерлари тоифасига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича давлат-хусусий шериклик асосида мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар 2024 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон Фармонида[5] асосан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 2022-2024-йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг доирасида 2023 йил май ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгаши йиғилишида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ЕТТБ ўртасида уч томонлама шартнома имзоланди.

Ҳамкорлик доирасида республика ҳудудларида босқичма-босқич давлат-хусусий шериклик асосида янги давлат умумтаълим мактаблари фаолиятини йўлга қўйилиши, уларга хусусий шериклар томонидан хизмат кўрсатилиши ва таъмирланиши ҳамда бугунги кунда фаолият юритаётган давлат умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, қўшимча бинолар қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Жараённинг дастлабки босқичида ЕТТБ мутахассислари томонидан грант олиш ва маслаҳатчиларни ёллаш бўйича ички таҳлиллар ўтказилган ҳамда Наманган ва Фарғона вилоятида 15 та мактаб қуриш режалаштирилган. Лойиҳанинг капитал қиймати 55-75 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Хулоса

Давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат умумтаълим муассасаларини ташкил этилиши натижасида ота-оналарда фарзандлари бир синфда 30-40 ўқувчиси бўлган давлат мактабларида ёки бир синфда 20 бола ўқийдиган хусусий мактабда ўқитиш орасида танлов имконияти пайдо бўлади. Ота-оналар фарзандлари учун хусусий таълимни сифатли таълим олиш имкониятини мавжудлиги, битта ҳудудда таълим хизматлари таклиф этишда рақобатнинг мавжудлиги, хизматларнинг турли-туманлиги, болаларни мактабда дарсдан ташқари куни билан банд бўлиши каби сабабларга кўра танлашади. Хусусий мактаблар тўлови куни узайтирилган гуруҳлар таклиф қилиш билан бирга, турли тўғарақларни ҳам таклиф қилади.

Ўзбекистонда шахснинг асосий ҳақ-ҳуқуқларидан бири таълим олиш ҳисобланади. Шундай экан, ушбу ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланишни таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблардаги таълим жараёнини ислоҳ қилиш, жумладан муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим тизимини рақамлаштириш, компьютерлаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияни олиб кириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ушбу соҳага хусусий инвестицияларни жалб этишга, бу соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришга зарурат туғдирмоқда. Хорижий давлатла тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат ва нодавлат

таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат таълим олувчиларнинг сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириш мумкин:

Биринчидан, молиявий маблағга эҳтиёж сезаётган мактабларни хусусий инвесторларнинг бошқарувига бериш.

Иккинчидан, хусусий инвесторларга умумтаълим мактаблари жойлашган ҳудудларда ижтимоий ҳимояга мутож қатламнинг маълум бир қисмини бепул ўқитиш мажбуриятини юклатиш.

Учинчидан, таълим сифатини ошириш, умумтаълим мактабларини замонавий технологиялар билан таъминлаш орқали таълим сифатини ошириш ва рақобатни кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Янги таҳрири, ЎЗР 30.04.2023 й. референдумда қабул қилинган, ЎЗР 01.05.2023 й. ЎРҚ-837-сон Конституциявий Қонунига мувофиқ тасдиқланган)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида” ЎРҚ-637-сон Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 майдаги “Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида давлат умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-163-сон Қарори.
7. Мурожаатнома (2018). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasiprezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy>
8. Рахмонов Д. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисод

фанлари доктори даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.2018 йил

9. Беляков С.А. Финансирование системы образования в России. М.: МаксПресс, 2006. 304 с. 114.

10. Вишнякова С. Профессиональное образование. Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. — М.: НМЦ СПО.. 1999.

11. Нурмухамедова Б., Срожиддинова З., Сугирбаев Б., Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш. «InfoCapital Group», 2013. – 447. 450 б.

12. Sharapova, M. A. (2021). Issues of improving the financing of public education in the republic of Uzbekistan.. Theoretical and Applied Science, (4), 115-119.

13. Sharapova, M. A. (2020).Practice of budget financing of public education system. Scientific electronic journal "International Finance and Accounting". No. 3

14. Шарапова, М. А. (2022). Таълими тизимини молиялаштириш амалиётининг хориж тажрибаси. Журнал Инноватция в Экономике, 5(2).

15. Система образования Франции: основные тенденции (обзор)// Экономика образования. - Москва. - 2015. -№1. — с. 107

16. Ismailova N. K. Importance of financial security in financial globalization //Экономика и бизнес: теория и практика. – 2019. – №. 4-3. – С. 37-40.

17. www.edu.uz – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги расмий сайти

18. www.pppda.uz - Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги расмий сайти

19. <http://www.vestifinance.ru>